

Қ А Р О Р

(Маъмурий назорат ўрнатишини рад қилиш тўғрисида)

2025 йил сентябрь ойининг 26 кунда, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи – туман судининг раиси Н.Рахимов,

судья ёрдамчиси С.Остоновнинг котиблигида, Вобкент туман ИИБ ХПБ ТП профилактика инспектори Р.Бозоров ҳамда Б.Тўраевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунга асосан

1981 йил 04 июль куни Вобкент туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, мукаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг 2021 йил 09 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган,

2. жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2021 йил 3 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан, ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2022 йил 31 октябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 4 йил 5 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 113-моддасига асосан манзил колониясига ўтказилган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2023 йил 14 апрелдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 11 ой 24 кун жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2025 йил 19 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 16 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Вобкент тумани, “Косари” м.ф.й, Росбадан қишлоғида яшовчи **Тўраев Бобир Абдусалимович** (То`raev Bobir Abdusalimovich)га



нисбатан 1-2009-2101/25-сонли иш бўйича Вобкент туман ИИБ бошлиғи томонидан берилган маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Б.Тўраев, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2021 йил 3 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан, ЖКнинг 57,59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2022 йил 31 октябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 4 йил 5 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 113-моддасига асосан манзил колониясига ўтказилган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2023 йил 14 апрелдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 11 ой 24 кун жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2025 йил 19 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 16 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган.

Вобкент туман ИИБ бошлиғи тақдимномада, Б.Тўраев 2025 йил 13 май куни бошқарувида бўлган автомашинасида йўл ҳаракати қондасини бузганлиги учун ЙХХ ҳодими томонидан унга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 125-моддасининг 2-қисми билан 187.500 сўм жаримага тортилган, 2025 йил 19 май куни Б.Тўраев жамиятга зид турмуш тарзини олиб боришни тўхтатиши, акс ҳолда унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши тўғрисида расман огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан 2025 йил 22 август куни ўзига тегишли автомашинасида йўл ҳаракати қондасини бузганлиги учун ЙХХ ҳодими томонидан унга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 128⁴-моддасининг 2-қисми билан 1.236.000 сўм жаримага тортилганлигини инобатга олиб, Б.Тўраев томонидан қайта жиноят содир этилишини олдинини олиш мақсадида, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни сўраган.

Судда сўралган Б.Тўраев қуйидагиларни, яъни эҳтиётсизлиги оқибатида ҳуқуқбузарликлар содир қилганлигини тан олишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, ҳозирги кунда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғилланиб келишини, айбини тушуниб етганлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини билдириб, унга имкон бериб, тақдимномани рад қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан – судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида



ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида маъмурий назорат ўрнатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, Вобкент туман ИИБ профилактика инспектори Р.Бозоровнинг баёнотини тинглаб, Б.Тўраев томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бир марталик характерга эга эканлиги, такрорий ёки ижтимоий хавфли ҳолатлар аниқланмаганлиги, Б.Тўраев ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғилланаётганлиги, шунингдек Б.Тўраевга нисбатан профилактик назорат зарурлиги тўғрисида тақдимнома умумий хулоса билан расмийлаштирилганлиги, фуқаронинг индивидуал ҳолати, ижтимоий аҳволи, хулқи ва тузалиш даражаси етарли даражада ўрганилмаганлигини инобатга олиб, тақдимномани рад қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонунининг 8,9-моддаларига асосан, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Вобкент туман ИИБ бошлиғининг **Тўраев Бобир Абдусалимович** (To`raev Bobir Abdusalimovich)га нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимномаси рад қилинсин.

Қарордан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида, назорат остидаги шахс ёки унинг вакили қарори нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

/имзо/

Н.Рахимов

Нусхаси аслига тўғри -

